

# Касбий психологиянинг предмети

“Психология” атамаси XVI асрнинг охирларида пайдо бўлиб, фақат XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидагина кенг қўлланиладиган бўлди. Лекин “Психология” деб аталган таълимотнинг ўзи бундан икки ярим минг йил олдин Грецияда пайдо бўлган.

**Анаксимен** (е.а. 588-525 й.) бутун мавжудот зичлашиш ва сийраклашиш қобилиятига эга бўлган ҳаводан ташкил топган, деб таълим беради. Рух – бу жуда сийраклашган ҳаводир, дейди у

**Гераклит-Тёмний** (е.а. 544-483 й.) табиатнинг асоси ўт (олов)дир деб ҳисоблаган. “Ҳамма нарса оловдан пайдо бўлади ва ҳамма нарса яна оловга айланади”

**Эмпедоклнинг** (Ситсилия оролидан, 483-423 й.) таълимотига кўра, дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли-туманлиги тўртта элемент (сув, ҳаво, тупроқ ёки олов)нинг бирикиши билан изоҳланади

## ДЕМОКРИТ


Тан ва рух эгаси бўлган инсон атомлардан, таркиб топади. Одамнинг танаси кўполроқ, ғадир-будур ва секин ҳаракатланадиган атомлардан ташкил топади, руҳи эса энг силлиқ, думалоқ, энг ҳаракатчан атомлардан ташкил топади

## СОКРАТ

Жон ва тан мутлақо ҳар хил, ҳатто қарама-қарши бўлган иккита моҳиятдир. Тана моддийдир, уни ташқи сезги органлари билан идрок қилиш мумкин: уни кўриш ва сезиш мумкин, у физик жисмдир

## АРИСТОТЕЛ

Аристотелнинг фикрича, бу руҳнинг моҳияти яширин, илмий йўл билан билиб бўлмайдиган ботир кучдан иборат. “Рух ҳақида аниқ тушунча бериш, ҳар жиҳатдан ҳаддан ташқари қийин иш, рух бу жисм эмас, балки ўшанга хос бир нарсадир



Марказий Осиёда психологик таълимотларнинг ривожланиши VII-IX асрларга тўғри келади. **Абу наср Форобий** Яқин ва Ўрта шарқда илғор ижтимоий-фалсафий оқим асосчиларидан бири бўлиб, “Шарқ Аристотели” деган унвонга сазовор бўлган машхур мутафаккир.

**Абу наср Форобий** - Унинг инсон тафаккури, билиш босқичлари сезги турлари, инсон (рух) жонининг бир тандан, бошқасига ўтиб, кўчиб юриши мумкинлигини рад этиши, мантиқ тизими ҳақидаги таълимоти, ўрта асрлар фалсафасининг катта ютуғи эди

**Ал Хоразмий:** “Шахсий рух – у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади”


**Абу Али ибн Сино** сезгини ташқи ва ички турларини, мияни нерв системасининг маркази эканлигини, инсон тана ва жондан ташкил топиши, мия инсонни бошқариб турувчи марказ эканлиги каби фикрлари ноёб олтин хазина ҳисобланади

**Абу Райҳон Беруний:** “ Жамият юзага келишида кишиларнинг моддий эҳтиёжлари ролини кўра олади, ақл, меҳнат, эркин танлаш инсон ҳаёти ва ижтимоий ҳолатини белгилайди, инсон ўз эҳтиёжларини меҳнат туфайли қондиради

XIX асрнинг охирларида бугун ҳам ўз аамиятини йўқотмаган бихевиоризм оқими пайдо бўлди. **Э.Торндайк** ва **Д.Уотсонлар** асос солган ушбу йўналиш вакилларининг асосий ғоялари шундан иборат бўлдики, улар психологиянинг предмети нафақат онг, ёки нафақат фаолият, балки хулқдир, деб асослашди. Хулқ у ёки бу хатти-ҳаракатлар, амаллар, реактсияларда ифодаланиб, ташқи таъсирот – стимулга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам одам ва унинг психологиясини билиш учун ўша таъсир кўрсатувчи ва таъсирланган хулқ ўрганилиши керак


**XX асрнинг бошларида пайдо бўлган психоанализ йўналиши фандаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида пайдо бўлди. Зигмунд Фрейд иккита асосий нарсага эътиборни қаратди:**

**Биринчи.** Ҳар қандай психик жараён ёки ҳолат онгли, онголни ва онгсиз босқичларда ёки ҳолатларда рўй беради. Шахс тизимида ҳам бу уччала босқичнинг ўрни бўлиб, улар “Ид (У) → эго (Мен) → Суперего (Мендан олий)” бўлакларида ифодаланади



**Иккинчи.** Инсон ҳуқуқатворини ва унинг амалларини бошқариб турадиган психик энергия ҳам борки, охир-оқибат у шахснинг қиёфасини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, эҳтиёжларни қондиришга ундовчи кучлар – “либидо” ҳамда “агрессив” энергиялар ҳам мавжуддир.

# Психология йўналишида катта ютуқларга эришган олимлар





# Эътиборингиз учун



Thank you for  
attention

## рахмат